

---

Тошлоқ тумани ҳокими ва туман прокурори билим марраларини забт этаётган битирувчи ёшлар билан учрашишди

*Учрашувда чет давлатлардаги нуфузли олийгоҳлар гранти соҳиби бўлган 3-мактаб битирувчиси Саидамир Эгамбердиев, 1-ИДУМИ ўқувчиси Зоҳиджон Абдурахмоновларнинг эришган ютуқлари эътироф этилди.*

*Шунингдек, 1-ИДУМИнинг 11-синф ўқувчиси Тоҳирбек Тўланов ҳам юксак марраларни забт этиш арафасида. Яқинда халқаро математика олимпиадасининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган Тоҳирбек 11 февралда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган саралаш босқичига тайёргарлик кўрмоқда.*

*Туман ҳокими билан учрашувда IELTS инглиз тили имтихонида юқори натижаларни қўлга киритган 12-мактаб ўқувчилари Мубинахон Ҳолдоралиева, Муслима Ҳабибуллаева, Диёрахон Иброҳимова, 10-мактабдан Отабек Комилов, Абдурахмон Муҳаммадюсупов ҳамда 1-ИДУМИ битирувчилари Зоҳиджон Абдурахмонов, Акмалжон Муҳаммаджоновлар эришган ютуқлари, келжакдаги мақсадлари билан ўртоқлашдилар.*

*А.Джурабаев ёш билимдонларнинг келгуси ишларида омад ва зафарлар тилади.*

2022-02-10 19:38:39